

БУТУНИТТИФОҚ
МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

Яқинда Ватанимиз пойтахти Москвадан хушxabар келди. Тошкент облаcтi дорихоналар бошқармаси коллективини Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якуларига кура шу йилнинг иккинчи кватрлида энг

юқори кўрсаткичларга эришиб, иккинчи мукофотли уринини эгаллади ва иккинчи даражадаги мукофотни билан таъдирланди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрилиги ҳамда медицина хо-

димлари касаба союзулари Марказий Комитети облаcтининг фармацевтларининг қишлоқ хўжалик меҳнатқилларининг турли хил сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари самараси-

ни юксак баҳолади ва катта ғалаба билан қишни таъриқлади. Қўлга киритилган янги муваффақиятлар облаcтдаги барча дорихона ходимларининг янада баракали хизмат қилишга ундамоқда. Улар партия ва ҳуку-

матнинг юксак мукофотига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Шу кунларда Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Янгиўл ва бошқа район хўжаликларининг дала ишчиларига тез-тез кўчма

дорихоналар юбориб турилибди. Сотувчилар дала меҳнатқилларининг талаб ва истакларини асосида дори-дармонларнинг турларини қўйайтириб, сифатини яхшиламоқдалар.

М. ЕҚУБОВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТҚИЛАШ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.

№ 146 (5495).

26
ИЮЛЬ
ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЮҚОРИ ҲОСИЛ ИШТИЁКИДА

«Қизил Октябрь» колхозининг Парин Камолова бошлиқ 1-бригада намунали, пещадам коллективлардан ҳисобланади. Хозирги бригада далада катта оралар бегона ўтлардан тозаланган. Етарли озқилантирилиб сувдан яширилган гўза нияҳларнинг авқи баланд.

— Республика партия ва ҳукумати Мурожаатидан руҳланган бригадамиз аъзолари, — дейди бригада бошлиғи П. Камолова, — зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилиб, 60

гектар пахта майдонидан 50 уринга 55 центнердан ҳосил ештиришга аҳд қилдилар. Арофат Рокинова, Дилбар Рокинова, Юлдуз Жавриева, Улка Яхёева, Мели Эргашева каби илгор, отаққалб комсомоллар зиммаларига катта шахсий мажбуриятлар олиб, мавсумда 15 тоннадан пахта теришга суз бердилар.

Деҳқонлар иш сифатига ҳам катта эътибор бермоқдалар. Уч марта сифатли ишлов бериб, учинчи сувдан чиқиб графа-

сида турган, туркираб янаж-ланаётган гўза нияҳларнинг янги илгорлари тиник ва бўлиқ.

Я. Иппулаев, М. Биналиев каби сувишлар кунга 6—8 гектар майдонга суи тарамоқдалар. Долозар кунларда қилинаётган фидокорона меҳнат самараси кунда бир яшнаб, бўй чўшиб, шондан гулга, гулдан кўсакка айланаётган гўзаларда намоён бўлмоқда.

Х. ШЕРОВА.

ЯНГИЎЛ районидagi «Ленинизм» колхозининг Э. Қўрбонбоев бошлиқ 12-бригада аъзолари ҳар гектар ерда 50 центнердан ҳосил ештириш учун курашиб, гўза парваринини сифатли олиб бормоқдалар. Бригадада хозир гўзалар механизация воситасида чекани қилинмоқда. СУРАТДА: (ўнгда) бригаданин илгор механизатори С. БОЙМАҚУЛОВ, (чапда) гўзаларни чекани қилиш.

А. Абалин фотолари.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорный, А. Н. Косигин ўртоқлар Москва қазармасига тарихий ҳукум қилинган куннинг 22 йиллиги муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба республикаси революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Рузга, Куба республикасининг президенти ўртоқ Освальдо Дортикос Торрадога табрик телеграммаси юбордилар.

АЗАМАТЛАР БРИГАДАСИДА

(РЕПОРТАЖ)

Ойхўжа ака тонги салқинда далага етиб келганда йилги-қизлар иш бошлашга шайланган турган эдилар, картошка қовландиран машина мотори ишлаб турарди.

— Ушга томондан бошлаймиз ишни. Бугун 19 тонна картошка йилги олишнинг керак. Кечани кайратга яна озгина гайрат қўйсак, марра бизники, — деди Ойхўжа ака.

— Етказамиз! — деди бригадирнинг суиши қувватлаб қизлардан бири.

Бригада азаматлари яқиндагина давлатга 80 тонна қарам ва 480 тоннадан кўпроқ помидор етказиб бериб, социалистик мажбуриятини шараф билан адо этган эдилар.

Езининг жазирма қуёши бироз тафтидан тушди. Эрта тондан картошка тератган йилги-қизлар сўнгги қолларини машинага ортдилар. Уларнинг бугунги меҳнати жоққар бригадир ва тадбиркор коммунист Ойхўжа Қўрбоннинг сузларини тасдиқлади. Улар 115 тонналик мажбуриятнинг 11 тоннасини бугуннинг ўзида ўриштириб қўйдилар.

Янгиўл районидagi Свирдов қозли совхоз илришқорлари — механизатор Ибазир Абдулқаймов, Юрсун Сафарбоева, Лалли Мамедова, Рахман Раҳимов ва Қайри Кеченовалар меҳнатидан ҳамма хурсанд.

Х. ДУСТМУҲАМЕДОВ.

МАТБААЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Пойтахт облаcтi матбаачилари тўққизинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатдан илгари бажариш йўлида бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, яқинда катта зафар қўндилар. Улар КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат ваҳтасида тушиб ишлаб, тўққизинчи беш йиллик планни муддатдан илгари ортири билан адо этганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Шу кунгача беш йиллик планда белгиланган 4 миллион 748 минг ўринга 4 миллион 760 минг ўринга маҳсулот реализация қилинди.

Юксак ғалабалар руҳланган облаcт матбаачилари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, йил охиригача яна 517 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда қўшимча мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш йўлида қизгин кураш олиб боришмоқда.

Пўл-ўлакай бригаданин бо-лалар боғча-ясилсига қирриб ўтди. Бу ерда 13 бола тарбияланади. Боғча-ясилда ўйинчоқлар, стол, стуллар йўқ.

— Совхоз сут берадими? — Йўқ, — дейди ошпаз Манзура Мадусонова. — Уй-дан оқилб бераман.

— Нега баъзи кунлари оқ-кат қилмайсиз?

— Утин йўқ.

Биз Собир Раҳимов номади совхознинг фақат бири бригадасида сабаботкорларга шароит яратиб ўтгирисда ҳикоя қилди. Бошқа бригадалардаги ҳа-вол ҳам бундан яхши эмас. Бунга райондаги маҳсул ўртоқлар нима деркин?

А. АБДУЛҲАҚОВ.

«Оҳангарон» газетасининг бўлиқ муддир.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОВ ЖЕРАЛЬД ФОРДГА

ВАШИНГТОН, ОҚ УИ

Мухтарам жанов президент, совет космик кемаси «Союз» билан Американин космик кемаси «Аполлон»нинг тарихда биринчи биргаликда учуши ва туташини муваффақиятли тугатганини муносабати билан совет халқи ва шахсан ўз номидан сизга ва Америка Қўшма Штатлари халқига савимий табриклар юбораман. Бизнинг қутлов ва энг яхши истакларимизни америкалик мард космонавтлар Томас Стаффордга, Ванс Брандга, Дональд Слейтонга ҳамда «Союз—Аполлон» программасини тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган америкалик олимлар, конструкторлар, мутахассислар ва илчиларга ҳам топшириқларини сурайман.

«Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг учуши, ер атрофи орбитасида уларнинг туташтирилиши ҳамда бир кема экипажининг иккинчи кемага ўтиши натижасида кемаларнинг одамнинг космосга учини хавфсизлигини ошириш мақсадларида ишлаб чиқилган қўшма воситалари амалда текшириб қўриб, шунингдек турли мамлакат вакилларининг космосда биргаликда ишлаш имкониятини намоён қилди. Утказилган биргаликда учини космик фазонинг тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликда муҳим босқич бўлган ҳолда бундан кейин шу соҳада ўтказилиши мумкин бўлган Совет—Америка ишларига замин қўйди.

Совет ва Америка экипажлари мураккаб учини программасини бекум кўст бажарганликлари орқали, шу катта эксперимент муваффақият қозонди, мамлакатларимиз олимлари ва мутахассисларининг экспериментий тайёрлаш ва амалга оширишда мустақам ва пухта ҳамкорлик қилишларининг натижаси бўлди. Утказилган эксперимент муҳим, илмий-техникавий ютуқ бўлиб бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космосни ўзлаштириб боришда янги-янги йўллар очади.

«Союз» ва «Аполлон» кемаларининг учуши тинч-тотув янаш принциплари асосида халқаро кескинлик юмшаши ва Совет—Америка муносабатлари яхшилангани жараёни сифатида тарихий аҳамиятга эга. Айни маҳалда у СССР билан АҚШ ўртасида исқала мамлакат халқлари манфаатларининг, ер юзидида тинчлик манфаатлари йўлидаги ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ишига қўшилган амалий ҳиссасидир.

Л. БРЕЖНЕВ.

АСТРОНАВТЛАР ЕРГА ТУШДИЛАР

ХЬЮСТОН. «Аполлон» космик кемасининг экипажи 25 июль Москва вақти билан соат 00 18 минутда Тинч океанда, Гавай ороллари районига сууга қўйди. Шундан қилиб «Союз—Аполлон» программаси бўйича ўтказилган тарихда биринчи Совет—Америка космик эксперименти муваффақиятли тугади.

АҚШ Мудофаа министрилигининг қўшаруш группаси «Аполлон» космининг команда модулини тез топиб уни «Янги Орлиан» вертолетноссеи кемасига кўтариб олди. Астронавтлар Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтон ўзларини яхши ҳисс этилаптилар.

(ТАСС).



КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

«СОЮЗ—АПОЛЛОН» ПРОГРАММАСИ СОВЕТ
ҚИСМИНИНГ ТУТАЛЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН
МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ғани қарсақлар билан таъриқландилар. Бу ерда НАСА директори-нинг шахсий вакили В. Шалли ҳам хозир бўлган.

Матбуот конференциясини матбуот марказининг раҳбари, СССР Таши ишлар министрилиги матбуот бўлимининг муддир В. Н. Софинский очди.

СССР Фаилар академияси президенти вазифасини икки этувчи академик В. А. Котельниковга сўз берилди.

У топшириқни ажойиб тарзда бажариб, жонажон ерга эсон-омон қайтиб тушганликлари билан Алексей Архипович Леоновни ва Валерий Николаевич Кубасовни СССР Фаилар академияси номи-

дан ва барча совет олимлари номидан самимий қутлади.

Биз, деди академик, «Союз» ва «Аполлон» кемалари парвозининг биргаликдаги қисми ҳамда ЭПАС лойиҳасига мувофиқ «Союз-19» кемасининг мустақил парвози нияҳосига етганлигини чуқур мамнуният билан ишоналмоқдамиз. Бир мунча вақтдан кейин «Аполлон» кемасининг парвози ҳам шундай муваффақиятли тугатилишигизга бўлишимизга амин-анг дўстона салом сузларини йўллаймиз.

Биргаликда қилинган парвоз, деб давом этди олим, матбуотда, олимлар ва инженерлар томони-

дан ҳали узоқ вақт муҳокама қилинади. Олинган натижаларни анализ қилиш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бирок хозирнинг ўзидаёқ баъзи хулосаларни чиқариш мумкин. Кемаларнинг муваффақиятли равишда туташгани ва космонавтларнинг бир-бирининг кемасига ўтиши Совет ва Америка олимлари ҳамда конструкторлари томонидан ижодий ҳамдўстликда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган техникавий ечимларнинг турлигидан тасдиқлади. Биргаликдаги экспериментлар комплекси, шунингдек «Союз-19» кемасининг мустақил парвози вақтида ўтказилган режалаштирилган тадқиқотлар тула-тулис ошарилади. Бу тадқиқотлар фанни янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган астронизик, геофизик, медицина-биологик ва технология экспериментлар ҳамда тадқиқотларини ўз ичига олган эди.

Ана шу биргаликдаги лойиҳани тайёрлаш ва ўтказиш вақтида Совет ва Америка томонлари ортирган тажриба учувчи бошқардиган халқаро космик парвозларни ва космик фазонинг биргаликда илмий тадқиқ қилиш ишларини ривожлантириш учун яхши негиз бўлиб хизмат қилди.

Бизнинг мамлакатимиз деди сўнгра В. А. Котельников, космосни ўрганиш ва ўзлаштиришда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Ҳиндистон, Франция ва бошқа давлатлар билан халқаро ҳамкорлиқнинг кенг программаларини амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда халқаро вазитнинг ялпи соғломлашгани ва умуман Совет—Америка муносабатларининг яхшиланганиги космосни ўзлаштиришда Совет—Америка ҳамкорлигини ривожлантиришга, ЭПАС сингари мураккаб ва кенг миқёсдаги лойиҳанингу вужудга келиши ва бажарилишига ёрдам берди.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет космонавтлари А. А. Леонов ва В. Н. Кубасов 23 июль кунин Звездичин шахарчасида шоду ҳуш-рамлик билан кутиб олиндилар. Сурагда: «Союз-19» экипажини кутиб олиш пайти.



ҲОСИЛ КЎП, АММО...

надан картошка етиштиришга қарор қилишди.

Социалистик мажбурият ўз-ўзидан баъарилмайди, албатта. Бунинг учун ҳар бири ишчи, бригада бошлиғи, хўжалик раҳбари, таъйиброл ходимлари жон куйдириши керак. Меҳнатқилларнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарли шароит ярати бериш зарур. Ленин Собир Раҳимов номили совхозда-чи? Коммунист ўртоқ Мамат Зилбога етакчилик қилаётган бригада даладариди картошка, ўз вақтида топширилмапти.

— 60 гектар ерга эртаги

картошка эканамиз, — дейди бригада бошлиғи. — Ҳозиргача атиги юз тонна маҳсулот топширдик. Картошкани «Сорт-семеовиш» орқали хўжаликларга беришимиз керак. Мана, далада 70 тоннадан ортиқ картошкани қоплаб қўйдик. Уларнинг ичунда беш-олти кун олдин қовландилари ҳам бор. Аммо негадир картошкани пешма-пеш ташиб олиш ҳақида ҳеч ким қайғурмапти.

Бригадада 30 дан ортиқ ишчи, 28 ўқувчи йилгим-теримда қатнашапти. Илгор ишчилар кунга бир-бир ярим тоннадан картошка теришляпти. Нанкул-

га чиққан ўқувчилар ҳам ота-оналарига янгидан қўшма беришмоқда. 8-синфи тугаллаган Бўжар Санжарова, Абдуман-ноп Исмаилов ва бошқалар илгор ишчилардан қилинганга беришма ҳам хурсанд бўладик. Арик сувиши ичун жонга тегили. — Қайси бригада билан мусобақадошсанлар?

— Билмаймиз, — дейди ўрта бўй, қорачадан келган аёл. — Ҳар йили ҳам мусобақа, мукофот ҳақида гап қўй бўладию, йил охирига келганда биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

— Ўка, буларнинг ҳаммаси

ҳам бир нав. Тушликни уйда ҳам қилаверамиз, чойни ҳам уйда ичаверамиз. Лекин, бола-ларимизга дуруст-тоқ нарсаша, бошимиз осмонга етгани, — дейди Мухаббат Бозорбоева. — Яслида овнатнинг мазаси йўқ. Болаларга яхши қарашмайди. Тушда яслига бориб, болаларимизни уйимизга олиб кетамиз. Овнатлантириб, кейин ана қўйиб келамиз.

Суҳбатга яна Нафиса Масодинова аразалди:

— Бизга яхши шароит ярати берилса, деймиз, гектаридан 18 эмас, 19—20 тоннадан картошка териб берамиз.

— Шайхонда иссиқ овнат қилинмайди, — дейди бригаданин илгор ишчиси Нафиса Масодинова. — Биз ҳеч бўлмаса бир марта чой қайнатиб беришма ҳам хурсанд бўладик. Арик сувиши ичун жонга тегили. — Қайси бригада билан мусобақадошсанлар?

— Билмаймиз, — дейди ўрта бўй, қорачадан келган аёл. — Ҳар йили ҳам мусобақа, мукофот ҳақида гап қўй бўладию, йил охирига келганда биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

— Ўка, буларнинг ҳаммаси

ҳам бир нав. Тушликни уйда ҳам қилаверамиз, чойни ҳам уйда ичаверамиз. Лекин, бола-ларимизга дуруст-тоқ нарсаша, бошимиз осмонга етгани, — дейди Мухаббат Бозорбоева. — Яслида овнатнинг мазаси йўқ. Болаларга яхши қарашмайди. Тушда яслига бориб, болаларимизни уйимизга олиб кетамиз. Овнатлантириб, кейин ана қўйиб келамиз.

Суҳбатга яна Нафиса Масодинова аразалди:


— Бизга яхши шароит ярати берилса, деймиз, гектаридан 18 эмас, 19—20 тоннадан картошка териб берамиз.



Матбуот конференцияси Марказий телевидение орқали кўрсатилди ва Хьюстонга ҳам юборилиб турди.

УЗОҚ СОҲИЛЛАРДА

ТАСС фотохроникаси.



ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИДА

